

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОКАЛОНОВ РАМАЗОН РАЖАБОВИЧ

ЎЗБЕКЧА-ФРАНЦУЗЧА СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ
ШАКЛЛАНГАН ГАПЛАРНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ ВА
КОММУНИКАТИВ НЕЙРОПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро - 2022

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам

The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Science (DSc) in Philology

Бобокалонов Рамазон Ражабович

Ўзбекча-французча семантик-функционал шаклланган гапларнинг
дифференциацияси ва коммуникатив нейropsихолингвистик тадқиқи 3

Бобокалонов Рамазон Ражабович

Дифференциация и коммуникативно-нейropsихолингвистическое
исследование узбекско-французских семантико-функциональных
сформированных предложений 31

Bobokalonov Ramazon Radjabovich

Differentiation and communicative neuropsycholinguistic study of Uzbek-French
semantic-functional formed sentences 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 60

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОКАЛОНОВ РАМАЗОН РАЖАБОВИЧ

**ЎЗБЕКЧА-ФРАНЦУЗЧА СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ
ШАКЛЛАНГАН ГАПЛАРНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ ВА
КОММУНИКАТИВ НЕЙРОПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.DSc/Fil394 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Сайфуллаева Раъно Рауфовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар: Широнова Раҳима Ҳақимовна
филология фанлари доктори, профессор

Қаршибоева Улжан Давировна
филология фанлари доктори, доцент

Жўраева Бибиш Мухсиновна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "04" "ноябрь" соат 09⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (188 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.

Диссертация автореферати 2022 йил "19" октябрь куни тарқатилди.
(2022 йил "19" октябрьдаги 19- рақамли реестр баённомаси).



Д.С. Ўраева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг сўнги тараққиётида коммуникология, дискурсология, структурология ва нейрпсихоллингвистика масалалари билан боғлиқ муаммоларнинг қиёсий-типологик, лингвокогнитив, лингвомаданий, лингвопсихологик ва лингвопрагматик хусусиятлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, нутқ актларида семантик-функционал шаклланган гапларнинг дифференциацияси, персонализация, коммуникатив нейрпсихоллингвистик ва информатив қийматини белгилаш зарурати ўз логик-грамматик, лексик-семантик, стилистик вазифалари, тараққиёт динамикаси ҳамда прагматик хоссаларини турли тизимли тиллар имкониятидан фойдаланган ҳолда семантик-функционал аспектда талқин этишни тақозо этади.

Дунё тилшунослигида коммуникатив мулоқотни шакллантирувчи омилларни аниқлаш, коммуникатив мулоқот ўрнатиш тамойилларини белгилаш, тил ўрганишда қулай тизим, шунингдек, инсонлараро муносабат андозаларини яратиш, лингвистик шахс [қисқ. ЛШ]ни шакллантирувчи лисоний механизмлар мажмуасини аниқлаштириш кўп йиллар мобайнида ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, моҳиятан ва миллий табиати жиҳатидан фарқланувчи француз ва ўзбек тилларида семантик-функционал шаклланган сўз-гап [қисқ. СФШСГ]ларнинг дифференциацияси, коммуникатив нейрпсихоллингвистик хусусиятлари, морфологик-синтактик, стилистик моҳиятини уларнинг функционаллиги доирасида изоҳлаш амалиёти ҳар қандай коммуникатив дискурсда вокеланадиган нутқ ва фикрнинг прагматик таъсири, шакл ва мазмун яхлитлигини таъкидланган параметрлар кесимида илғор назарияларни яратишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда юксак эътибор билан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда барча соҳалар каби қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик ҳам жадаллик билан раванқ топиб, илмий-назарий асослари мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»¹ ги фармони диққат марказида турган “Биринчи йўналиш: инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш”. Шундай вазифалар қаторида бир-биридан узоқ заминда яшаб, турли тизимли тилларда сўзлашувчи икки халқ – француз ва ўзбеклар тили, нутқидаги гаплар, уларнинг грамматик, семантик-функционал хусусиятларини қиёсий ўрганиш ҳам бор. Бу эса иккала халқ ўртасидаги манфаатли муносабатларни янада барқарорлаштиришда, персоналогия, психология, неврология ва коммуникология объектида турган [ЛШ] муаммосини ўрганиш заминида коммуникатив мулоқот ўрнатишда ҳар доим қулайвосита бўладиган [СФШСГ]лар, унинг атрофидаги масалаларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 20.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

аниклик киритиш ва улар борасидаги илмий хулосаларни бойитишда мавжуд имкониятларни кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўли” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Дунё тилшунослигида семантик-функционал шаклланган гапларнинг дифференциацияси ва коммуникатив нейробиолингвистик хусусиятларига дахлдор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Université Toulouse de Jean Jaurès (France); Laboratoire de NeuroPsychoLinguistique (EA4156) – Maison de la Recherche (France); Université de Montréal (Canada); Monash University, Melbourne University (Germany); Université de Genève (Suisse); Токио университети (Япония), Москва давлат лингвистика университети, Москва давлат университети, Москва педагогика давлат университети, РФА Тилшунослик институти, Санкт-Петербург давлат университети, Воронеж давлат университети, Қозон давлат университети (РФ), шунингдек, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Андижон давлат университети, Фарғона давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти (Ўзбекистон)да дискурс ва [ЛШ]нинг ўзаро алоқадорлиги, матннинг прагматик структураси, лингвистик корпус муаммолари, нейробиолингвистика, когнитив стилистика каби тадқиқотлар олиб борилмоқда.

² <https://lnpl.univ-tlse2.fr/UT2J-LaboratoiredeNeuroPsychoLinguistique,UR41564>; https://recherche.umontreal.ca/Centre_de_recherche_en_neuropsychologie_et_cognition; <https://linguistlist.org/issues/13/13-1520/laboratoireDynamiqueDuLangage>; <https://www.unige.ch/fapse/psycholinguistique/equipes/NeuroPsychoLinguistique>; <https://www.cnrs.fr/fr/creation-tokyo-dun-laboratoire-francojaponaisurlaphysiquedesdeuxinfinis>; <https://www.UniversitatdeMoscou>; <http://mpgu.su/universite-pedagogique-d-etat-de-moscou/PedagogieetdePsychologiedelapetiteenfance>; <https://fr.wikipedia.org/wiki/InstitutdelinguistiquedeMoscou>; <https://fr.wikipedia.org/wiki/AcadémiedessciencesdeSaint-Petersbourg>; <https://www.vsu.ru/ru/university/structure/communicate/> Центр коммуникативных исследований ВГУ; <http://www.kazanhighschools.ru/hs/kgu/5-nauka.html/linguistiquedeBoduendeCurtenay>

Дунё тилшунослигида семантик-функционал шаклланган гапларнинг шаклланиш тарихи ва воқеланишига доир муҳим хулосалар чиқарилган Université de Montréal (Canada); Monash University, Melbourne University (Germany); семантик-функционал шаклланган гапларнинг коммуникатив нейрпсихолингвистик хусусиятлари шаклланиши очиб берилган (Université Toulouse de Jean Jaurès (France); Laboratoire de NeuroPsychoLinguistique (EA4156) – Maison de la Recherche (France); Université de Genève (Suisse); Токио университети (Япония), Москва давлат лингвистика университети, Москва давлат университети, Москва педагогика давлат университети, РФА Тилшунослик институти, Санкт-Петербург давлат университети, Қозон давлат университети (РФ); семантик-функционал шаклланган гапларнинг дифференциацияси масалалари бўйича тадқиқотлар (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти) олиб борилган.

Бугунги кунда семантик-функционал шаклланган гапларнинг хусусиятлари, улар асосида турган коммуникатив нейрпсихолингвистик хусусиятларни ўрганиш, семантик-функционал шаклланган гапларнинг дифференциацияси, уларнинг матн коммуникатив-прагматик мазмуни шаклланишидаги ўрнини белгилаш каби масалаларнинг чоғиштирма тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида³ коммуникатив нутқий бирликлар дифференциацияси, нейрпсихолингвистик табиати ва моҳиятини очиб беришни тадқиқ этувчи изланишлар устувор аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон тилшунослиги қаторида ўзбек тилшунослигида ҳам сўз-гаплар юзасидан XX асрнинг 60-йилларига қадар жиддий изланишлар олиб борилмаган. Даставвал, 40-йилларда ўзбек тилшунослигида тақлидий сўзлар ундовларнинг бир кўриниши сифатида эътироф этилган. 50-йилларга келиб улар ундовлар гуруҳидан ажратила бошланди ва XXI аср бошида алоҳида

³ Караулов, Ю. Н. Русский язык и языковая личность. -М.: Наука, 1987.-261 с.; Попова, З. Д., Стернин, И. А. Семантико-когнитивный анализ языка: монография. Воронеж: изд-во «Истоки», 2007.-256 с.; Зорина С. С. Формирование коммуникативных умений у детей с нарушениями зрения. / Специальное образование, 2010. № 4, с.20-26; Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М.: "Наука", 1982; Изд. 2-е, М.: Эдиториал УРСС, 2006; 5-е, 2007; 6-е, 2010; Кнапп М.Л. Невербальные коммуникации. – М.: Наука, 1978. -308 с.; Красных В. В. Основы психолингвистики и теории коммуникации: Курс лекций. – М.: Гнозис, 2001. - 176 с.; Auriac E. (1990). Etude psycholinguistique de marqueurs conversationnels chez des enfants à l'occasion d'une tâche cognitive. Laboratoire de Psychologie, Poitiers.; Ubaidullah Khan. Interdisciplinary Nature of Neurolinguistics and Prospects of Research// International Journal of Business and Social Science Vol. 2 No. 24 [Special Issue – December 2011] ; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 285 б.; Вархотов Т. А. Методологические проблемы исследования невербального аспекта коммуникативного взаимодействия. Автор. диссер. на соискание ученой степени канд. филос. наук. МГУ, Москва —2003.; Фэй Жэнь. Невербальная коммуникация и её отражение в художественном тексте. Специальность 10.02.01 – русский язык. Диссер. на соискание ученой степени канд. филол. наук. Киров – 2016.

“сўз туркуми” сифатида қайд этилди. Профессор А.Ғуломов⁴ сўз-гапларни “Бўлақларга ажратилмайдиган гаплар” мавзуси доирасида ўрганган. Сўз-гаплар муаммосига бағишланган тадқиқотлар билвосита А.Н.Кононов ва бевосита С.Усмонов, Ш.Раҳматуллаев, Р.Расулов, Р.Сайфуллаев, Ҳ.Болтабоева, И.Суяров, С.Саидов, Э.Шодмонов, И.Тошалиев, А.Бобоева, Р.Қўнғуров, Ғ.Н.Зикриллаев, Р.А.Камилджанова, Б.Ўринбоев, Р.М.Мўминова, Ў.Лафасов, А.Ҳазратқулов, М.Мақсудовалар томонидан алоҳида ҳамда турли мақсадларда амалга оширилган. Ҳ.Ғ.Неъматов, Р.Р.Сайфуллаева, А.Нурмонов, М.М.Қурбонова, Л.Р.Раупова ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида сўз-гаплар функционал муаммоли долзарб масалалардан бири эканлиги қайд этилган. Ўрганилган тадқиқотлар заминида ўзбек ва инглиз тиллари қиёсида З.Каримова, ўзбек ва француз тиллари қиёсида П.Бобокалонов илмий изланишлар олиб боришган. Хусусан, сўз-гаплар белгиларини алоҳида тил ҳодисаси сифатида тадқиқ қилмаган бўлсалар-да, замонавий тилшунослик даврига келиб, [СФШСГ] ва унинг атрофидаги ҳодисалар систем-структур тилшуносликнинг муҳим объекти сифатида тадқиқ этилмоқда.

[СФШСГ] хусусияти кенг ўрганилганига қарамай, ҳозиргача унинг систем-структур, коммуникологик ва нейропсихоллингвистик мазмуни ва кўлами ҳақида ягона тўхтамга келинмаган. Формал тилшуносликда қатор илмий изланишлар олиб борилган, аммо лингвопрагматик, лингводидактик, лингвомаданий ва лингвокогнитив ҳамда коммуникатив мулоқот жиҳатларини аниқлаш асосида назариясини яратиш лозим. Унинг турли тиллар, қолаверса, француз ва ўзбек тиллари коммуникатив ва нейропсихоллингвистик жиҳатларининг қиёслаб ўрганилиши [СФШСГ]нинг янада серқирралигини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз ва ўзбек тилларида семантик-функционал шаклланган гапларнинг дифференциацияси ва коммуникатив нейропсихоллингвистик хусусиятларини аниқлаш орқали уларнинг тил ва нутқдаги ўрнини, лисоний, миллий-маданий, систем-структур, лингвопрагматик, лингводидактик, лингвомаданий, лингвокогнитив ҳамда коммуникологик табиатини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Янги Ўзбекистон тилшунослиги талаблари доирасида [СФШСГ]ларнинг ўзбекча-французча нутқий ҳосилалари табиатида учрайдиган дифференциал, коммуникатив нейропсихоллингвистик хусусиятлари борлигини

⁴ Ғуломов А.Ф. Ўзбек тили грамматикаси (II бўлим, Синтаксис, педбилим юрти ўқувчилари учун) Тошкент: Маориф ХК нашр., 1940, -84 б.; Ғуломов А.Ф. Содда гап. – Тошкент: «Фан», 1955, -12-18 б.; Ғуломов А.Ф. Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 5-29; 37-42; 154-157 б.

аниқлаштириш, дискурс-мулоқот марказида турган [ЛШ]нинг мулоқот қобилиятини харизмали инсонга интеграциялаш;

ижтимоий-фалсафа, умумий диалектика қонуниятини нуқтаи назаридан лингвистика зиммасида турган “оламни билиш назарияси”ни лингвокоммуникатив, лингводидактик ва нейрпсихолингвистик муштараклик кесимида ўрганиш;

[ЛШ] қобилиятини коммуникологик, когнитив психологик, семиотик, структурологик, персонологик, коммуникатив дискурсологик, нейрпсихологик алоқадорликда очиқ бериш;

[СФШСГ]ни кўп қиррали нутқий ҳосила сегменти сифатида коммуникологиянинг умумназарий масалаларини ўрганиб умумлаштириш: коммуникатив нутқнинг ижтимоий табақалашувини синтез қилиш, мулоқот ўрнатишнинг воситаларини, унинг апелляциян тақдимот формулаларини ишлаб чиқиб тавсия қилиш;

Европа Иттифоқи стандартини доирасида коммуникатив нутқ назариясини дискурс амалиётга кўчириш учун мотивацион кўрсатмалар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз ва ўзбек ёзувчиларининг асарлари ҳамда нутқ кўникмаларидаги семантик-функционал шаклланган гаплар танланган.

Тадқиқотнинг предметини француз ва ўзбек тилларида семантик-функционал шаклланган гапларнинг дифференциацияси ва коммуникатив нейрпсихолингвистик хусусиятлари тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, структур-семантик, тавсифий-тизимий, математик-статистик, контекстуал, синхрон-диахрон, шунингдек, илмий тадқиқотнинг замонавий индукция, эмпирик (назорат, таққослаш, тажриба, абстракция) таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек тилларида семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг структурологик, семиологик, лингводидактик, персонологик, коммуникологик, нейрпсихолингвистик хусусиятлари, комплекс таснифи асосида уларнинг юқори функционал потенциалга ва ўзининг прагматик табиатига эгаллиги, контекстуал ва коммуникатив шартланганлиги нутқ босқичида лингвистик шахс қобилиятини харизмали инсон қиёфасига кўтаришда хизмат қилиши исботланган;

қиёсланаётган тиллардаги [СФШСГ]ларнинг интеграл ва гетероген белгилари, нутқий имкониятлари ва воқеланиши, услубий таъсирчанлиги, эмоционаллик, экспрессивлик, интензивлик, воқеа-ҳодисаларни баҳолаш, инсон нутқида тез автоматлашиши ҳамда уларнинг [ЛШ] руҳиятига таъсири ва нейрпсихолингвистик белгилари мавжудлиги далилланган;

Янги Ўзбекистон шароитида жаҳон тилшунослигида “оралиқ учинчи” ҳосиласида муаммо бўлиб турган [СФШСГ]ларнинг “борлиқнинг билиш шarti” ва “инсон оламининг устунлиги”ни “лингвистикадан сўраш мумкин”лигида намоён бўлиши асосланган;

[СФШСГ]ларнинг француз ва ўзбек тиллари тизимида мулоқот маданияти учун муҳим бўлган расмий ва норасмий, тор ва кенг доирада дипломатик, лингводидактик, лингвомаданий адекват масалалари парадигматик (лисоний) ва синтагматик (нутқий) актуаллашуви семантика-функция-прагматика бўлинмас учлигида намоён бўлиши исботланган;

Европа DELF/DALF стандарти талабларига мувофиқ [СФШСГ]лар иштирокида коммуникология, нейропсихоллингвистика, нутқ маданияти доирасида фикр ёки пропозициянинг коммуникатив марказини белгилаш функциясининг гап қурилмасидаги ўрни, ўзи аниқлаб келган сўзга нисбатан жойлашуви харизмали инсонга қаратилган [ЛШ]нинг руҳий-психологик ҳолати, жамиятдаги ўрни ва мавқеи билан боғлиқликда амалга ошиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

француз ва ўзбек тилларида [СФШСГ]ларнинг моҳияти ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда эришилган илмий хулосалар айни замонда миллий тилшунослик фанининг долзарб муаммоси бўлган персонологик, коммуникологик, нейропсихологик, структурологик, семиологик, лингводидактик тадқиқотлари ва ўзбек тили корпуси яратилиши, шунингдек, ушбу натижалар дискурс-мулоқот, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика, психоллингвистика ва нейропсихоллингвистика соҳалари учун хизмат қилиши аниқланган;

тадқиқотнинг амалий натижалари тилшунослик назариясини ривожлантиришда зарурлигидан қатъий назар таълим тизимидаги ўрта, ўрта махсус, олий таълим ва инклюзив интернат-мактаблари ўқувчи-талабалари учун коммуникатив мулоқот ўрнатиш бўйича дарсликлар, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланма, электрон ўқув адабиётлар, ўзбек лингвистик корпусини бойитиш учун ишланмалар яратишда манба вазифасини бажариши асосланган;

[ЛШ]нинг коммуникатив нутқ имкониятларини яхшилаш ва унинг халқаро дипломатик маданиятини оширишда базавий ресурс вазифасини бажаришга кўмак бериши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги француз ва ўзбек тилларидаги [СФШСГ]ларнинг дифференциацияси ва коммуникатив нейропсихоллингвистик, коммуникологик, семантик-прагматик хусусиятлари далилий манбалар: илмий ва бадиий асарлар, халқ иборалари, оғзаки нутқ шакллари, мактублар, расмий ва норасмий контекстларда аниқлангани ҳамда жаҳон таржимашунослигининг энг янги илмий концепциялари, назарий қарашлари ва методлари асосида қиёсий ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мавзу қамрови асосида аслият ва таржима орасидаги мазмуний-услубий муштаракликни таъминлашда, [ЛШ]нинг индивидуал руҳий ҳолатларини аниқлашда, лингводидактик доирада тўлақонли коммуникатив мулоқот ўрнатишда ва бадиий таржима жараёнида нутқ маданияти йўлларини белгилашда жамланган ҳамда умумлаштирилган илмий-назарий манбалар келгуси

тадқиқотлар учун муайян даражада илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таржимашунослик, қиёсий адабиётшунослик ва қиёсий тилшунослик замида турли глобал тармоқларда коммуникатив мулоқот ўрнатиш бўйича дарсликлар, ўқув қўлланма, ўқув-усулий қўлланма ва ишланмалар яратишда, турли хилдаги соҳавий луғат, тематик сўзлашгичларни тузишда, махсус курслар ўтишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз ва ўзбек тилларидаги семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг семантик-функционал хусусиятларини очиқ бериш юзасидан олинган илмий натижа ва амалий таклифлар асосида эришилган натижалар ва амалий таклифлар асосида:

француз ва ўзбек тилларида семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг структурологик, семиологик, лингводидактик, персонологик, коммуникологик, нейропсихолингвистик хусусиятлари, комплекс таснифи асосида уларнинг юқори функционал потенциалга ва ўзининг прагматик табиатига эгаллиги, контекстуал ва коммуникатив шартланганлиги нутқ босқичида лингвистик шахс қобилиятини харизмали инсон қиёфасига кўтаришда хизмат қилиши исботланганлиги билан боғлиқ илмий хулосалардан Андижон давлат университетида 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-ФИ-18 – “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлар ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Андижон давлат университетининг 2022 йил 25 майдаги 39-08-13-26-сон маълумотномаси). Натижада харизмали инсоннинг лисоний маданиятини шакллантиришда семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг алоҳида ўрни борлиги аниқланган;

қиёсланаётган тиллардаги семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг интеграл ва гетероген белгилари, нутқий имкониятлари ва воқеланиши, услубий таъсирчанлиги, эмоционаллик, экспрессивлик, интензивлик, воқеа-ҳодисаларни баҳолаш, инсон нутқида тез автоматлашиши ҳамда уларнинг лингвистик шахс руҳиятига таъсири ва нейропсихолингвистик белгилари мавжудлиги далилланганлиги билан боғлиқ илмий натижаларидан Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2016-2018 йилларда амалга оширилган Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастурининг 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP – “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 5 майдаги 1082/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада ўқитувчи ва талабаларнинг тилшунослик, лингвистик таржимашунослик борасидаги билимларини ошириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш ва халқаролаштиришда семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг муҳим аҳамият касб этиши асослаб берилган;

Янги Ўзбекистон шароитида жаҳон тилшунослигида “оралиқ учинчи” ҳосиласида муаммо бўлиб турган семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг “борлиқнинг билиш шарти” ва “инсон оламининг устунлиги”ни “лингвистикадан сўраш мумкин”лигида намоён бўлиши асосланганлиги, семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг француз ва ўзбек тиллари тизимида мулоқот маданияти учун муҳим бўлган расмий ва норасмий, тор ва кенг доирада дипломатик, лингводидактик, лингвомаданий адекват масалалари билан боғлиқ хулосалардан “Ўзбекистон телерадиоканали” давлат унитар корхонаси – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканалининг 2022 йил 10 майдаги №95-55-1710 маълумотномаси). Натижада лингвистик шахс билан боғлиқ коммуникатив нейрпсихолингвистик хусусиятларнинг аҳамиятли жиҳатлари матбуот орқали маълум қилинган;

семантик-функционал шаклланган сўз-гапларнинг француз ва ўзбек тиллари тизимида мулоқот маданияти учун муҳим бўлган расмий ва норасмий, тор ва кенг доирада дипломатик, лингводидактик, лингвомаданий адекват масалалари парадигматик (лисоний) ва синтагматик (нутқий) актуаллашуви семантика-функция-прагматика бўлинмас учлигида намоён бўлиши исботланганлиги, Европа DELF/DALF стандарти талабларига мувофиқ семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар иштирокида коммуникология, нейрпсихолингвистика, нутқ маданияти доирасида фикр ёки пропозициянинг коммуникатив марказини белгилаш функциясининг гап қурилмасидаги ўрни, ўзи аниқлаб келган сўзга нисбатан жойлашуви харизмалари инсонга қаратилган лингвистик шахснинг рухий-психологик ҳолати, жамиятдаги ўрни ва мавқеи билан боғлиқликда амалга ошириш дадилланган 2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги Ўзбекистон давлат хореография академиясида амалга оширилган ФЗ-2019081663 – “Ўзбек миллий рақс санъатини тарғиб этишга бағишланган веб-сайт ва мультимедиа маҳсулотлари тўпламини яратиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон давлат хореография академиясининг 2022 йил 5 майдаги 1/04-20-сон маълумотномаси). Натижада олиб борилган тадқиқот коммуникатив дискурс назариясини амалиётга кўчиришга, нутқ кўркамлигини таъминлашга ва мулоқот таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 22 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий конференцияда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 65 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 3 та монография, 3 та илмий рисола, 1 та дарслик, 1 та луғат, 5 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 25 та илмий мақола, жумладан, 11 та республика ва 14 таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, атамалар луғати, шартли қисқартмалар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 283 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг асосий усуллари кўрсатилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, жорий қилиниши, апробацияси ва тадқиқот натижалари чоп этилиши, таркиби ва ҳажми тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Сўз-гапларнинг субстанцианал талқини ва уларнинг қиёсий аспектда ўрганилиши”** деб номланиб, унда *“Ўзбек тилшунослигида сўз-гаплар муаммосининг тадқиқи”*, *“Сўз-гапларни француз тили қиёсий аспектида ўрганилиши”*, *“Сўз-гапларни инглиз ва рус тиллари қиёсий аспектида ўрганилиши”* бўлимлари остида [СФШСГ] нинг ўзига хос хусусиятлари асослаб берилган.

Таъкидлаб ўтилганидек, профессор А.Ғуломов сўз-гапларни **“Бўлақларга ажратилмайдиган гаплар”** мавзуси доирасида ўрганган. Сўз-гаплар муаммосига бевосита ва билвосита А.Н. Кононов, С. Усмонов, Ш. Раҳматуллаев, Р. Расулов, Р. Сайфуллаев, Ҳ. Болтабоева, И. Суяров, С. Саидов, Э. Шодмонов, И. Тошалиев, А. Бобоева, Р. Қўнғуров, Ғ. Н. Зикриллаев, Р. А. Камилъжанова, Б. Ўринбоев, Р. М. Мўминова, Ҳ. Лафасовлар, А. Ҳазраткулов, М.Мақсудова томонидан муносабат билдирилган. Ҳ. Ғ. Неъматов, Р. Сайфуллаева, А.Нурмонов, М. Қурбонова, Л. Раупованинг тадқиқотларида сўз-гапларнинг функционал муаммоли масалалари кўтарилган.

С.Усмоновнинг ишларида модал сўзлар ундовлар таркибида ўрганилган. Ўзбек формал тилшунослигида сўз-гаплар муаммосини Э.Шодмонов махсус тадқиқ этган. Сўз-гапларнинг ўзига хос табиати, алоҳида синтактик категория эканлиги, морфологик асоси; сўз-гапларда предикативлик, модаллик ва интонациянинг ўрни; ундалма, кириш сўзларга муносабати ва улардан фарқи; сўз-гапларнинг шаклланишида контекст, ситуация ва мимиканинг ўзига хос роли; диалог ва монологлар, қўшма гап, кўчирма гапли қурилмалар таркибида қўлланилиши, нутқда якка, такрор, ёндош гаплар билан келиши; сўз-гапларнинг кузатилган мақсад ва интонациясига кўра турлари каби қатор масалалар изчил ёритиб берилган. Э.Шодмонов С.Саидовнинг ўзбек тилида модал сўзлар миқдори 115 та ва 24 та модал

ибора мавжудлиги, буларнинг 4,4 фоизи сўз-гап вазифасида кела олиши ҳақидаги фикрига муносабат билдирган.

Р.А. Комилджанова ва Ў. Лафасов ўз тадқиқот ишларида *кириш сўзлар* ўрнига *модал сўзлар* терминини ишлатган. Б.Ўринбоев эса сўз-гапларни вокатив гаплардан фарқлаб, вокатив гапларга нисбатан *сўз-гап* терминини қўллаш мумкин эмаслигини таъкидлаган. Кўринадики, тилшунослар ўртасида баҳс-мунозарали масалалар яқун топмай қолган.

[СФШСГ] атамаси остида сўз-гапларнинг субстанциал табиати, уларнинг маъно имкониятлари чегараланганлиги, грамматик шаклларни талаб этмаслиги, бошқа сўз ва гап бўлаклари билан бирика олмаслиги, гапда бажара оладиган вазифаси чекланганлиги каби белгилари, сўз-гаплар таркибини эса модал сўзлар; ундов сўзлар; тасдиқ-инкор сўзлар; таклиф-хитоб сўзлар ташкил этиши, **мустақил қўлланилишига кўра** 1. Мустақил қўлланиладиган модаллар. 2. Мустақил қўлланиладиган ундовлар. 3. Мустақил қўлланиладиган тасдиқ-инкорлар. 4. Мустақил қўлланиладиган таклиф-хитоблар; **номустақил қўлланилишига кўра**: 1. Номустақил қўлланиладиган модаллар. 2. Номустақил қўлланиладиган ундовлар. 3. Номустақил қўлланиладиган тасдиқ-инкорлар. 4. Номустақил қўлланиладиган таклиф-хитоблар асослаб ўрганилган. [СФШГ] лисоний онтологик табиатида, [Pm] таркибий қисм маънолари: 1. Ундовларда сўзловчи нутқининг спонтан (бирданига, кутилмаганда, кучли ҳис-ҳаяжон, тезкорлик, моменталлик) юзага чиқишида [Т]-**темпораллик**нинг устунлиги; 2. Модал маъноли сўзларда сўзловчининг кучли эҳтирос, ўйлаш, хомушлик, завқланиш, чўчиш, ғазабланишда [М]-**модаллик**нинг бирламчилиги; 3. Тасдиқ-инкорларда сўзловчининг ижобий ёки салбий [N]-**тасдиқ-инкор**нинг етакчи маънога эга бўлиши; 4. Таклиф-хитобларда нутқ momentiдаги сўзловчи нутқи шахсга – [P]-**персоналлик**ка қаратилганлиги юқори даражаланиши аввалги ишимизда кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, формал-функционал тилшуносликнинг синтактик сатҳида *модал, ундов, тасдиқ-инкор, таклиф-хитобларнинг* лексик-семантик турларга ажратилишида [СФШГ]нинг 1) *мустақил маъно имкониятлари борлиги*, 2) ўзида *грамматик шакл* (қўшимчалар) *талаб этмаслиги*, 3) гап бўлаклари билан *синтактик жиҳатдан алоқага кириша олмаслиги*, 4) ўзи алоҳида *гапнинг таркибий бўлагига боғланмаслиги* (*кириш сўз, киритма, ундалма – учинчи даражали бўлак*) каби белгилари борлиги, луғавий маъносига кўра кесимликнинг минимал қолипи – [W^p] шаклида бўлиши, [W^p]да сўз-гап бўлиши мумкин бўлган лексик birlikларнинг луғавий маъносига ишора борлиги, яъни **ядро+қуршов** = [W^o] ≤ [Pm² (H+M +T+Π)] да қуйидаги маъноларга эга бўлиши асосланган:

1. Модалларда [Modalité] маъносининг ёрқинлигига кўра [M] дан [P] маъновий иерархияси:

[MNPT→MPTN→MTPN→MNTP] ≠ [MNPT←MPTN←MPNT←MNTP].

2. Тасдиқ-инкорларда [Négativité] маъносининг ёрқинлигига кўра [N]дан [T] маъновий иерархияси:

[NTPM→NTMP→NMTP→NPMT] ≠ [NTPM←NTMP←NMTP←NPMT].

3. Ундовларда [Personnalité] маъносининг ёрқинлигига кўра [P]дан [N] маъновий иерархияси: [PTMN→PTNM→PMNT→PMTN] ≠ [PTMN←PTNM←PMNT←PMTN].

4. Таклиф-хитобларда [Temporalité] замон маъносининг ёрқинлигига кўра [T] дан [M] маъновий иерархияси:

[TPMN←TPNM←TMPN←TNPM]≠[TPMN←TPNM←TMPN←TNPM]
кузатилдади.

Мазкур ишда [СФШСГ] даставвал иккига ажратилади: *муस्ताқил ва номустақил* қўлланиладиганлар. Биринчи гуруҳга: 1. Муस्ताқил қўлланиладиган модаллар: *Албатта. Раҳмат...* 2. Муस्ताқил қўлланиладиган ундовлар: *Офарин. Урра...* 3. Муस्ताқил қўлланиладиган тасдиқ-инкорлар: *Тўғри. Йўқ.* 4. Муस्ताқил қўлланиладиган таклиф-хитоблар: *Марҳамат. Марҳабо...* Иккинчи гуруҳга: 1. Номустақил қўлланиладиган модаллар: *Балким. Эҳтимол. ...* 2. Номустақил қўлланиладиган ундовлар: *Ҳай. О-хай...* 3. Номустақил қўлланиладиган тасдиқ-инкорлар: *Ҳақиқатан. Ростан...* 4. Номустақил қўлланиладиган таклиф-хитоблар: *Қани. Мунтазир* киритилган.

Замонавий тилшунослик талаблари доирасида ўзбек тилидаги [СФШСГ] билан алоқадор икки диссертацион иш амалга оширилди. [СФШСГ] асосида француз тили синтактик табиатида учрайдиган каноник (атипик) гапларни қиёслаб ўрганиш П. Бобокалонов томонидан таҳлилга тортилди. Унда ўзбек ва француз тиллари қиёсида грамматик шаклланган гаплар [қисқ.ГШГ] ва каноник модели нутқий ҳосила [қисқ. КМНХ]лар атрофидаги муаммоларни тадқиқ қилиш, [СФШСГ]лар билан [КМНХ] ларни ўзаро фарқлаш, тарқоқ оралик учинчи назарий масалаларни каноник модели гаплар остида бирлаштириб ўрганиш мақсад қилиб қўйилган. Ишда қиёсий мувозанатни сақлаш учун француз тилидаги атипик содда гаплар ва [СФШСГ]лар учун алоҳида [КМНХ] атамаси танланган. Диссертант [КМНХ]ларнинг тадқиқида когнитив, лингвистик, прагматик, экстралингвистик ва социолингвистик қиймат борлигини кўрсатган. Француз тилида бинар, презентатив нутқий конструкциялар, шунингдек, ўзбек тилида учинчи даражали бўлақлар – ундалма, кириш сўз ва киритмалар учун ўзига хос дифференциация мавжудлиги, улар учун умумий ҳолда [КМНХ] лисоний қолипни ишлатиш мумкинлиги исботланди. Бинар қурилишли ҳосилалар, презентатив гаплар, номинал фразалар, инцидент-киритмалар [СФШСГ]лар билан қиёслаб ўрганилди.

Қиёсий таҳлилга бағишланган яна бир тадқиқот “Ўзбек ва инглиз тилларида сўз-гапларнинг социопрагматик хусусиятлари” З.Ғ.Каримова томонидан ўрганилди. Тадқиқотчи инглиз тилшунослигида ҳам чигал масалалар борлигини Э. Сэпир, Ф. К. Амека, Р. Г. Монтес, Ж. Г. Ҳердер, Д. П. Вилкинс тадқиқотлари билан асослаб, уларнинг ундовлар ҳақидаги фикрларига муносабат билдирди. Сўз-гапларнинг нутқда қўлланишини ва уларнинг социопрагматик хусусиятларини антропоцентриқ усулда ўрганди. Унда сўз-гаплар туркуми ва бу туркумдан жой олган birlikларнинг ижтимоий хусусиятлари, нутқий актларни ҳосил қилиши, уларда тағмаъно ва пресуппозициянинг ифодаланиши ва коммуникатив мақсаднинг бевосита

ҳамда билвосита ифодаланиши каби социопрагматик хусусиятлари қиёсланди.

Иккинчи боб **“Жаҳон тилшунослигида структурологик-семиологик назария ва коммуникатив дискурснинг дифференциал тараққиёти”** деб номланиб, унда *“Структурологик эволюция: Соссюр таълимотининг ёйилиши”*, *“Семиологик таълим, символлар назарияси ва семиотик белгиларнинг муҳим концепцияси”*, *“Коммуникатив дискурснинг нейрпсихоллингвистик муаммоси”* ўрганилди ва мавзу олдида турган муаммоларнинг назарий масалаларига ойдинлик киритилди.

Ф. де Соссюрнинг диалектик қонуниятларга асосланган семасиологик ва структурологик назарияси Европадан кўра Америкада тез оммалашishi сабаблари – инглиз, немис, италян тилшунослиги томонидан семиологик таълимотнинг қабул қилинганлиги ва унинг коммуникатив дискурс ҳамда нейрпсихоллингвистика билан алоқадорлиги, Соссюр шогирдлари Шарл Балли, Алберт Сешей, Алберт Ридлингер, Туллио де Мауро, Луи-Жан Калвет муҳаррирлигида *“Маърузалар”* китобининг нашр этилиши, шунинг сабабида структурология фани жаҳон тилшунослигида мустаҳкам ўрин эгаллагани, Антуан Мейе, Емиле Бенвенист, Георгес Думезил, Андре Мартине, Лусиен Теньер ва Леонард Блунфилд назарий ғоялари пайдо бўлгани, соссюрчиларнинг меъёрий ва фалсафий таълимоти остида ***тилдан жамият учун фойдалироқ иш қилиш мумкинлиги*** асослаб исботланди.

Соссюрнинг *“жамият учун фойдалироқ иш қилиш”* антиномияси кейинги тилшунослик мактабларида тўлдирилганлиги далиллаштирилди. Чунончи: 1. Тил – код, тизим; нутқ эса хабар, уни амалга ошириш усули, матн; (В. фон Гумбольдт). 2. Тил "белгиланмишлар" ва "белгиловчилар" йиғиндисидир, нутқ фикрни тил орқали ифодалаш жараёнидир (Ф. де Соссюр). 3. Тил – куч, нутқ эса унинг актуаллашувидир (Ш. Балли). 4. Тил умумий ва мавҳум нарса, нутқ эса хусусий ва конкретдир (Н. С. Трубецкой). 5. Тил – доимий, нутқ ўткинчи, ўзгарувчан (Л. Хелмслев). 6. Тил – инвариант, нутқ вариантдир (Прага мактаби, Вилем Матезиус). 7. Тил – коммуникатив фаза, нутқ коммуникатив акт (Жейн Остин). 8. Тил – ижтимоий ва аниқ (эксплицит), нутқ – яширин (имплицит - Л. С. Выгоцкий) каби таърифларга илмий муносабат билдирилди.

Маълумки, Соссюрнинг синтактик модели унинг издоши Р.Годелнинг «сабаб ва бирикувчанлик қиймати», Л.Теньернинг семиологик ва синтактик ғоялари, Г.П. Грайс ва унинг издошларининг дискурс муаммоларининг прагматлингвистик тадқиқотлари, Шарль Баллининг лисоний типология назариясини келтириб чиқарди. Соссюр таълимоти Москва–Тарту семиотика мактаби асосчилари М. Ю. Лотман, Г. В Драч томонидан ривожлантирилди. Л.Хелмслев, Ю. Манн, Э. Кассирер, К. Гирц, Э. Гуссерль, Г. Х. фон Вригт, Л. Витгенштейн, М. М. Бахтин, Г. Фреге, М. Фуко, К. Леви-Стросс, Ю. Борев, К. Апель, В. Изер, Дж. Ваттимо каби олимлар белги ва мазмун диалектикасининг ўрганилишига хизмат кўрсатди.

Соссюр изидан борган Прага лингвистик мактаби вакилларининг тил ва лингвистик белги моҳиятини аниқлаш ҳамда ўрганиш усуллари Қозон

лингвистик мактаби вакили И.А. Бодуен де Куртенэ назарий қарашларига ҳам таъсир кўрсатди. Куртенэ тил белгиси деб жамоа аъзолари ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилувчи ва тил ҳамжамияти учун мажбурий бўлган бутун маънолар тизимини тушунди. Тил белгисини белгиловчи икки доимий омил – *сўзловчи* ва *тингловчидан* ташқари, учинчи ҳодиса – белгининг ҳақиқий *воқеланиши*, яъни белги ҳосил қилиш жараёни (*семиоз*) нинг зарурий шартини эътиборга олди. Дарҳақиқат, лингвистик белгининг иккала томони ҳам бир-бирини тақазо этади. Шу тариқа оғзаки белгиларнинг мазмуни илгари тўпланган кумулятив (умумий) маълумотлардан иборат. Баъзи оғзаки белгиларнинг ифодаланганлиги, бу – *шахс тажрибасининг элементларини*, унинг *атрофидаги дунё фактлари* ва *ҳодисаларни кўпроқ ёки камроқ схематик акс эттириши* бўлиб, семантик маъноли сўзлар (от, феъл, равиш, сифат, модаллар) билан ифодаланган характерловчи белгилардир. Бошқа белгилар (олмошлар, юкламалар, боғловчилар, предлоглар ва б.) гапларда ички муносабатлар, мураккаб лингвистик белгилар доирасидаги турли тафаккур объектларининг боғланишларига хизмат қилади. Ўз маъноси билан бошқа белгилардан фарқланадиган ўзига хос ярим белгилар мавжудлиги таъкидланади.

Лингвистик белгининг имо-ишора тили ва товуш тилидан фарқли жиҳатлари бўлади. Лингвистик белги маълум *руҳий мазмун* (белгиланмиш) ва фонемик жиҳатдан ажратилган *товушлар занжири* (белгиловчи) бирлигини ифодалайди. Лингвистик белгининг икки томони онг воситасида доимий бошқарилиб, барқарор бирликни ташкил этади, бу белгининг ҳиссий идрок этилган шакли, яъни унинг моддий томони унга ижтимоий боғланган маънони ифодалайди; фақат икки томоннинг бирлиги ва ўзаро боғланишида белги лисоний онг томонидан “идрок қилинади” ва белги маълум бир “ҳақиқат парчасини”, алоҳида факт ва ҳодисаларни ифодалайди. Нутқнинг белги назарияси ривожлантиришида табиий тилнинг синтактик қурилиши ва прагматикасини ўрганиш ғоялари Э.Бюиссенс, Л.Прието илмий асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ғарб лингвофилософик концепцияси асосида Ф. де Соссюр тил белгиларини тизимга солиб, мавжуд *тилларнинг шакллари*ни, яъни *нутқни* ўрганишга замин яратиш мумкинлигини, тизимнинг тил ўрганишда муҳимлиги, унинг ички ва ташқи тилшунослик учун аҳамияти, жамият учун барқарор тил бирликлари ва улардан фойдаланиш қоидалари тўплами зарурлигини исботлади.

Нутқ фаолиятини яхшилаш ва оламни осон ҳамда мукамалроқ билиш учун қулай восита тил ҳисобланади. Дунёнинг гўзаллик қонуниятларига биноан қурилиши жамиятнинг нутқ маданияти қай даражада ривожланганлигига – боғлиқ. Юксак маданиятли жамият қуришда хорижий тилларни ўзида омухталаштирган [ЛШ]нинг ўз ўрни – бор. Дунёқарашнинг ядросини [ЛШ] ташкил этади. [ЛШ] таърифи ва жамиятдаги ўрни В. Гумбольдт, К. Восслер, М. М. Бахтин илмий ишларида аниқ кўрсатиб ўтилган. [ЛШ]ни ўрганишда турли хил политектик (кўп қиррали) ёндашувлар учрайди. Чунончи: идиолектик (В. П. Нерознакнинг бир киши

томонидан шахсий, хусусий, алоҳида фойдаланиладиган тил варианты ғояси), этносемантик (С.Г. Воркачевнинг тил ва маданият уйғунлиги назарияси), семиологик (А.Г. Барановнинг белги ва рамзлар ҳақидаги назарий қарашлари), рус шахси (Ю. Н. Карауловнинг рус характери ғояси), Ғарб ва Шарқнинг маданий уйғунлигида [ЛШ] (Т.Н. Снитконинг лингвистик шахсият ғояси), Комил Инсон илмий концепцияси (профессор Н. Комиловнинг ирфоний-тасаввуфий нуқтаи назардан мусулмоннинг обид, ориф ва шайх тадрижий босқичи)га кенг муносабат билдирилган. Янги Ўзбекистон миллий моделида, миллий урф-одат, бағрикенглик, интеллектуал салоҳиятли, ўзбекона турмуш тарзи тушунчаларини улуғлайдиган [ЛШ] тушунчаси замирида БАҲАМОЛ ЕТУК ШАХС концепти назарга тутилган.

Дунёни ақлан идрок эта оладиган [ЛШ] ни ўрганмай туриб, нутқ кўникмаларини шакллантириш мумкин эмас. [ЛШ] модели таркибидаги: 1) вербал-семантик; 2) когнитив; 3) прагматик боғлиқлик [ЛШ]нинг қай даражада матн яратиш ва идрок этиш қобилиятини белгилаб беради. [ЛШ] нинг коммуникатив эҳтиёжи саналган **алоқа ўрнатувчи, ахборот берувчи ва таъсир қилувчи** алоқа жараёнларида **коммуникатив, интерактив ва перцептуал** муносабатларни яратишга хизмат қилади.

Ғарб мамлакатларида лингвистик структурология аллақачонлар коммуникатив нутқ амалиётига кўчиб улгурган. Бизда қиёсий типологик ва умумфилологик йўналишда эндигина лингвистик корпус яратилмоқда ва бу соҳада қилинадиган ишлар – ҳали жуда кўп. Шу нуқтаи назардан, [ЛШ] ни ўрганиш ва уни ўраб тулган жамият, инсоният ва оламни билишга унга ёрдам беришмақсад қилиб қўйилган. Энг муҳими, барча фанларни лексик тизимга солиб, [ЛШ] қобилиятини харизмали инсон даражасига кўтариш учун чет тилини ўргатишга эътибор қаратиш – лозим. Тил ўрганиш ҳозирги эволюцион ўзгаришлар диапозонида нафақат тилшуносликда, балки умуман ижтимоий-гуманитар билимларга хослашган, жамиятнинг моддий ва маънавий муаммоларини ечишга хизмат қиладиган коммуникатив нутқ тамойиллари асосида хорижий тилларни ўрганишнинг лингводидактик, лингвомаданий, лингвопоэтик, нейролингвопсихологик моделларини тизимли ўрганиш ўта долзарбдир.

Пирс, Фреге, Лотманнинг триадик, Соссюрнинг диадик, Зигмунд Фрейднинг онгсизлик концепциялари коммуникатив тилшунослик соҳасида [ЛШ] муаммосини ўрганиш истиқболларини белгилаб берди. [СФШСГ]ларнинг ички турларга ажратилиши, градуонимик қаторларнинг ҳосил қилиниши, тур-жинс қаторга бўлиниши, нутқий ҳосилаларни дифференциацияланиши, семантик-функционал жиҳатдан чегараланиши, лексик ва семантик майдонларда иерархик моҳият касб этиши ҳам унинг структурология ва семиологик таълимоти натижасидир. Зеро, бу таълимот ўзининг фалсафий ва ижтимоий асосларига эгадир.

Учинчи боб “**Лингвокоммуникатив, лингводидактик ва нейропсихолингвистик муштараклик**” деб аталган бўлиб, унинг остида “*Коммуникология ва коммуникатив бирликлар*”, “*Когнитив психология ва нейропсихологик идеал руҳий ҳолат*”, “*Асаб тизимининг*”

нейропсихоллингвистик хусусиятлари”, “Мия толиқиши асоратлари билан боғлиқ коммуникатив нутқ” масалалари юзасидан мулоҳаза юритилган.

Коммуникология кўп тармоқли анъаналарга ва қадимий илдизларга эга бўлса-да, ўзининг шаклланиши ва ривожланиши нуктаи назардан илк босқичда турган, янги пайдо бўлган фан сифатида гап, нутқ акти, нутқ жанри, нутқ стратегияси ва нутқ тактикасини мулоқот қилиш учун йўналтиришга хизмат қилади. Коммуникатив бирлик хабарни ўз-ўзидан узатишга қодир бўлган нутқ сегменти ҳисобланиб, бу сегмент кўп қиррали нутқий ҳосилдир. Нутқ акти, коммуникатив-модаллик, турли новербал алоқа воситалари нутқ алоқасининг асосий бирлиги сифатида: а) мулоқотда қўлланиладиган тил воситаларига нисбатан *локацион* ҳаракат; б) алоқа жараёнининг амалга ошириш мақсад ва шартларига нисбатан *иллокацион* ҳаракат, в) медиа узатмалари асосида ўзаро таъсир натижаларига нисбатан *перлокацион* ҳаракат деб баҳоланади. Нутқ ҳаракатларининг кетма-кетлиги "жонли" акс эттирувчи изчил нутқий матнни ташкил қилади. Нутқ жанри эса маҳсулот сифатидаги нутқ ифодаси бўлиб, матн қурилишининг барқарор тематик, композицион ва стилистик тури саналади. Нутқ тактикаси ва нутқ стратегияси нафақат нутқ акти ва нутқ жанрига ўхшаган йирикрок бирликни, балки матн ҳосил қилиш жараёнининг юқори даражадаги абстракциясини ҳам ифодалайди. Нутқ актлари борасида Жон Остин, Жон Сearл, Зено Вендлерларнинг мантиқий-фалсафий таълимоти, Л. С. Выгоцкий, А. Н. Леонтьев ва бошқаларнинг нутқ фаолияти назариялари эътиборга лойиқдир.

Коммуникатив бирликларнинг ўзаро алоқадорлиги, паралеллиги, функционал қўшничилиги, коммуникация, коммуникант, коммуникатив стратегия, коммуникатив нутқ, коммуникатив ҳосила, коммуникатив фаолият, коммуникатив моҳият, коммуникатив вазият, коммуникатив компетенция, коммуникатив тип, коммуникатив йўналиш, коммуникатив инверсия, коммуникатив муҳит, коммуникатив муносабат, коммуникатив мулоқот, коммуникатив луғат, коммуникатив вазифа, коммуникативсўз, коммуникатив гап, коммуникатив стереотип, коммуникатив тамойил, коммуникатив хослик, коммуникатив мослик, коммуникатив қизиқиш, коммуникатив ҳаракат, коммуникатив алоқа, коммуникатив аспект, коммутиацион матн, коммуникативмақсад, коммуникатив дискурс, коммуникатив синтаксис, коммуникатив контекст, коммуникатив субъект, коммуникатив принцип, коммуникатив статус, коммуникатив жараён, коммуникатив акт, коммуникатив адекватлик, коммуникатив инерция, коммуникатив мулоқот, коммуникатив мотивация, оммабоп коммуникация каби тушунчалар (52дифференциал формат)билан изоҳланади.

Иш билан бевосита алоқадор коммуникатив синтаксис, яъни парселляция ҳодисаси («парселлинг», жўнатма, мессаж, хабар, жумланинг ягона синтактик тузилишини бир нечта коммуникатив мустақил бирликлар – сўз-гап ва сўз-гапсимон иборалар билан оғзаки ва ёзма ифодалаш усули) структуралогик назариядан коммуникатив амалиёт сари йўл очиб берадиган, олдимизга янгича талабларни қўя оладиган лингвистик ҳодисадир. Масалан, бир хабарни уч хил йўналтириш мумкин, нейтрал шаклда: *"Il est parti pour*

ses études à Sorbonne."Коммуникатив синтаксисда: "*Il est parti. Pour ses études. A Sorbonne.*" Жўнатма (мессаж) сегментлари шаклида эса инверсияга учраши ҳам учрайди: «*A Sorbonne. Pour ses études. Il est parti. Ce matin.*» Синтактик тузилманинг оғзаки нутқ томонида интонация ва бошқа ёрдамчи воситалар (жест, мимика), ёзма нутқда график кўрсаткичлари – тиниш белгилари билан амалга оширилади.

Коммуникатив амалиётда когнитив психология ва нейропсихологик идеал руҳий ҳолатнинг ўзига хос жиҳатлари – мавжуд. Масалани ойдинлаштириш мақсадида Фрейд психоанализ таълимоти, Фестингеркогнитив дисонанс назарияси, Крис Восснинг кузатув стратегик назариясига мурожаат этиб, харизма қобилиятли инсонларда нутқ кўркамлигининг асосларини топишга ҳаракат қилинди. Харизма инсонларда уч хислат – инсонларга хурмат, салоҳият ва илиқ муносабатнинг ўрни юқори бўлиши, суҳбатдошни тинглаш, нутқ меъёрини унутмаслик, сохталикдан қочиш, кўз ёрдамида алоқа қилиш, суҳбатдош фикрини бўлмаслик принципларини француз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсланди.

Коммуникологиянинг бош мақсадларидан бири – тил ўргатишда темпераментнинг ўрнини белгилаш ва инсоннинг руҳий ҳолатларига кўра нутқнинг коммуникатив принципларига амал қилган ҳолда педагогик ёндашувга чорлаш. Абу Али ибн Сино таъкидлаганидек, тил ўргатишда ҳам инсоннинг мижози, ёши ва жинсини алоҳида ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, инсон руҳий ҳолатида хаёл, соғинч, ҳиссиёт, кайфият, эҳтирос, сезги, эмоциянинг ўрни борлиги қиёсий мисолларда аниқлаштириб берилди.

Асаб тизимининг нейропсихоллингвистик хусусиятлари, сўз ва нутқ орқали инсон руҳиятига таъсир этиш ва уни даволаш, коммуникация воситалари ёрдамида инсонни ўрганиш ва билиш, майл, қизиқиш, талаб, эҳтиёж, манфаат, мақсадли ҳаракат асосида мулоқот ўрнатиш, мулоқотда «навбатчи» табассумдан фойдаланиш, табассум билан инсон қалби тилсимларига йўл топиш каби руҳий ҳодисаларнинг нейролингвистик имкониятлари қиёсий нутқий ҳосилалар билан далиллаштирилди. Инсонлардаги руҳият уч турга бўлинади:

1. **Шахснинг руҳий хусусиятлари:** темпераменти, характери, қобилияти ва руҳий жараёнларнинг барқарор хусусиятлари, шунингдек, майли, эътиқоди, билими, кўникмалари, малакаси ҳамда одатларидан иборат.

2. **Руҳий ҳолатлар:** тетиклик ёки маъюслик, ишчанлик ёки ҳорғинлик, ғам-андух ва шодлик, мулойимлик ва серзардалик, ҳушёрлик ва паришонхотирлик. Шунингдек, стресс, яхши/ёмон кайфият, ҳ-золар киради.

3. **Руҳий жараёнлар:** руҳий фаолиятнинг мураккаброқ турига кирувчи оддий, элементар руҳий ҳодисалар; захар сочиш, дўқ қилиш, йиғлаб юбориш, кулиш, лўқма ташлаш ва ҳ-зо. Асаб тизими нуқталарига таъсир қилувчи омиллар – *таъсир ўтказувчи, бўйин сўндирувчи, қондирувчи ва қўзғатувчилардан* иборат.

Руҳий ҳолат билан боғлиқ нейропсихоллингвистик алоқадорликни дифференциациялаш тузилмасида ўзига хос сурат ва махражлар мавжуд: **Психологик** – [Шахс→руҳият→Асаб]; **Неврологик** – [Мия→Нейрон

→Хужайра]; **Лингвистик** – [Онг →Тафаккур→Нутқ]. Когнитив нисбийлик назариясига асосан психологик, неврологик ва лингвистик муносабатлар ҳаризмали инсон ва баркамол шахс тарбияси кесимида тўкнашади ҳамда ўзаро градуономик бутун//бўлак, умумийлик//хусусийлик, сабаб//оқибат ва бошқа диалектик қонуниятларга асосан дифференциялашади:

[Шахс→Руҳият→Асаб]+[Мия→Нейрон→Хужайра]+[Онг→Тафаккур→Нутқ] тўкнашувлари абстракциясига кўра қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

1. [Шахс+Мия+Онг]	7. [Шахс+ Руҳият+Асаб]
2. [Руҳият+Нейрон+Тафаккур]	8. [Мия+ Нейрон+Хужайра]
3. [Асаб+Хужайра+Нутқ]	9. [Онг+ Нутқ +Тафаккур]
4. [Шахс+ Нейрон +Тафаккур]	10. [Шахс+ Нейрон+Нутқ]
5. [Руҳият+Хужайра+ Нутқ]	11. [Руҳият+ Нейрон+Нутқ]
6. [Асаб+Онг+ Нутқ]	12. [Асаб+ Нейрон+Онг]

Бош мия нуқсонлари билан оғриган, имконияти вақтинча ёки бутунлай чекланган шахсларга нисбатан бош мияда нутқ учун жавоб берадиган 7 марказнинг ривожланмай қолиши, *гидроцефалия, олигофрения* сингари жиддий касалликлар қаторида *истерия, психастения, психотерапия, абулия, апатия, аффект, фаталист, деменция, дислексия, сублимация* каби ҳийла ва тушқунлик аломатлари учраб туриши қийсий таҳлил қилинди. Мия толиқиши асоратлари француз олими Жерард Сегнаннинг тадқиқотида назарда тутилган “тана ва руҳнинг ўзаро алоқадорлигида чарчоқ назарияси”га мувофиқ физиологик заифлик, толиқишни келтириб чиқарадиган ҳолатлар ва жисмоний зўриқишда ишлатиладиган нутқий ҳосилалар билан асосланди. Масалан, ўзбек тилида: **Уф**, *чарчадим. Бугун ўзимни яхши ҳис қилмаяпман. Қани эди*, *ҳар кун дам олиш кунни бўлса. Хайрият, шу ойда дам олиш кунни кўпайди. Бўлди*, *бошқа чидолмайман, таътилга чиқаман. Войдод*, *зеркиб кетдим (Радио)*. Француз тилида: **Ugh**, *je suis fatigué. Puff*, *je ne me sens pas bien aujourd'hui. Heureusement*, *le nombre de jours fériés augmentera ce mois-ci. J'aimerais que* *chaque jour soit un jour de congé. Ça y est*, *je n'en peux plus, je pars en vacances. Merde*, *je m'ennuie*.

Тўртинчи боб “**Коммуникатив тилшуносликнинг умумназарий масалалари: дискурс, нутқ ва мулоқот дифференциацияси**” деб номланган. Бу бобда “*Генератив грамматика ва дискурс муаммоси*”, “*Коммуникатив нутқва мулоқот маданияти дифференциацияси*”, “*Мулоқот ўрнатишининг лингвомотивацион технологияси*”, “*Инклюзив таълимнинг коммуникатив компетенция талаблари*» ёритилган.

"Прагматика" атамаси остида С. В. Моррис Ч. Пирснинг прагматик ғояларини ривожлангирди ва семиотиканинг уч қисмга бўлди: 1) *синтактик* – белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш; 2) *семантик* белгилар ва белгиланмиш ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш; 3) *прагматик* белги ва шахс ўртасидаги муносабатларни ўрганиш. Бироқ ҳар бир бўлимнинг мазмуни сезиларли даражада кенгайиб, лингвосемиотиканинг барча саволларига жавоб берадиган: 1) биосемиотик; 2) энтосемиотик; 3) абстракт синтактик-

семиотик каби умумий семиотиканинг прототиплари пайдо бўлди. Умумий белгилар таъсирида америкалик назариётчи Ноам Хомский ўзининг трансформацион грамматикасини яратди. У синтактик тузилмаларни ядровий ва ядросиз икки турга ажратди. Биринчи тур – ядро-қобик, иккинчи тур – ядровий жумлаларнинг ўзгариши. Унинг трансформация, элементларни улаш ва таснифлаш қоидаларини назарга тутгани [СФШСГ]ларга алоқадордир.

[ЛШ] ни когнитив психология ва нейропсихологик асосда ўрганишда қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш муҳим:

1. Немис мутафаккири Зигмунд Фрейд “Онгсизлик психологияси” назарияси: “Муз тоғи (айсберг)нинг устки, яъни олтидан бир қисми онг бўлса, сув остида кўринмай ётган олтидан беш қисми онг остидаги жараёнлардир, яъни онгсизликдир (Р.Б.)” Унинг моделида учта психологик тузилма – Ид, Эго ва Супер-Эго: «Ид» - бу онгдан холис инстинкт; «Эго» – бу “Мен” [ЛШ] ва “Мен”нинг онги бор; «Супер-эго», яъни бу одамни ўраб турган муҳит, жамиятдаги идеал восита эса – Супер-Мен. Харизмали инсон ёки чавандоз билим, ақл-идрок, юксак салоҳият ва маҳорат эгасидир. Ички рухий ҳолатда «Ид» доимо «Мен» ва «Супер-Мен» билан муросасиз жанг олиб боради.

2. Америкалик Леон Фестингернинг “когнитив диссонанс назарияси”: “Когнитив диссонансда олдинги меъёрий ҳолатни қайтаришда очликни енгиш учун очликни очликка қарши йўналтира олишга қаратилган фаолият сифатида қаралиши лозим.”[ЛШ]нинг хулқ-атвори ўртасидаги номувофиқлик, масалан, рад этиш, тушунтириш ёки янги маълумотдан қочиш орқали муаммони бартараф этиш, конфликтга бормаслик. Ҳис-туйғулар “*Хавотир, Хиждолат, Афсус, Уят, Стресс*”ни жиловлаш.

3. Америкалик ҳарбий музокарачи дипломат Крис Восснинг “кузатув стратегик назарияси”дан тактик эмпатия: «Музокарачини яхши тинглаш (1), муносабатда ижобийликни топиб гапириш (2), рақибнинг фикр, ҳис-туйғуларини тасдиқлаш (3), етарлича ишончга киришиш (4) ва дипломатик хавфсизликни яратиш (5) орқали ҳақиқий суҳбатни ўзига оғдара олиш. Музокаралар уруш ҳаракати эмас, бу кашфиёт жараёнидир. Яхши музокарачилар кутилмаган ҳодисаларга тайёр бўлиши керак (Р.Б.)”.

Когнолингвистик тадқиқотларда асосан дискурснинг ҳар хил турларини миллий-маданий параметрларга солиб ўрганиш, матнларни ишлашда битта миллий дискурс доирасида фикр юритиш кузатилади. Мазкур ишда эса коммуникатив тилшунослик учун долзарб муаммо ҳисобланган дискурс таҳлили, коммуникатив дискурснинг экстралингвистик параметрлари, вазиятли моделлар, мулоқот формулалари, лингвистик шахснинг жамият ва миллат вакили сифатида тил билиш қобилиятига эътибор қаратилди. Коммуникатив дискурсни тушуниш учун лингвистик шахснинг фаоллик томонига эътибор қаратиш лозим бўлади. Демак, дискурс нафақат маҳсулот ёки нутқий асар, балки мулоқот матни яратиш жараёнидир. Мулоқотда дискурс амалиётига аҳамият бериш – зарур.

Ш.Балли “диктал ва модал” назариясида коммуникатив нутқда сўров-муурожаатларини тўрт турга ажратади:

1. Диктал савол: 1.1. Қисман диктал савол	
Французча	Ўзбекча
- Qui vient de sortir ? - Paul.	- Ҳозиргина ким чикди? - Поль
1.2. Тўлиқ диктал савол	
- Qu'est-ce que se passe ? - Paul vient d'aller à l'école.	- Нима бўлди? - Поль ҳозиргина мактаб борди
2. Модал савол	
2.1. Қисман модал	
- Paul va-t-il à l'école ? - Oui, c'est ça.	- Пол мактабга бордимикин? - Ҳа, шундай.
2.2. Тўлиқмодалсавол	
- Paul va-t-il à l'école ? - Oui, il va à l'école.	- Пол мактабга бордими? - Ҳа, борди.

Француз тилида модаллик назарияларининг аксарияти концепцияга асосланади. Биринчи икки концептуал параметр қуйидаги модал категорияларни аниқлаш имконини беради: *алетик, эпистемик, аксиологик, баллистик, деонтик, субъективлик, институционал, тавсифловчи, аралаш реал буйруқ*. Ш.Балли нутқ ифодасида таклиф мазмуни (диктум) ва модаллик (модус)ни фарқлади ва буларни коммуникатив дискурс даражасига чиқаришда савол-мувожаатларнинг ўзига хос ўрнини белгилади:

<i>Moyens de poser une question</i>	<i>Савол бериш воситалари</i>
Comment se fait-il que ...?	Қандай сабаб бўлиши мумкинки ...?
Pourquoi ?	Нега?
Pour quelle raison... ?	Нима сабабдан ...?
Comment ça se fait que... ?	Буни шундай бажариш мумкинки ...?
A cause de quoi ?	Ниманинг сабабидан ...?
D'où vient que... ?	Қаердан келиб чиқадики ...?
Quelle est la cause de... ?	... нинг сабаби нимада?
Quel est le motif expliquant... ?	Тушунтириш сабаби нимадаким ...?
Quelles sont les causes ?	Сабаблари нимада?

Коммуникатив нутқ компетенциялари ўзаро мулоқот ўрнатишига асосланади ва кўпроқ мулоқот жараёни назарга тутилади. Нутқ маданияти ҳар доим коммуникатив нутқдан кенгроқ доирада аҳамият касб этади. Дискурс эса белгиларнинг муваффақиятли тизими бўлиб, тилнинг жонли нутққа кўчиш механизмидир. Э.Бюиссанс Соссюрнинг “тил – нутқ” иккилик (диада) опозициясига “тил – нутқ – дискурс” учлик (триада)ни киритди. Тадқиқот ишимизда шу триада мавзуни ёритишда асос қилиб олинди.

Дастлаб "матн" ва "нутқ" тушунчалари синоним сифатида қўлланилар эди. Нутқ инсон маънавий қиёфасининг ички олами, савияси зоҳир

бўлиши билан бирга ижтимоий тараққиёт хусусиятларини ҳам акс эттиради. Коммуникатив синтаксисда «*парселлинг*» – *хабар мазмунини семантик бўлиниш воситаларидан* бири сифатида кўриб чиқилади. Францияда кенг тарқалган ва ҳаддан ташқари мураккаб синтактик тузилмаларни идрок этишни осонлаштирадиган парселляция матнига эътибор қаратилмоқда.

Коммуникатив мулоқот нутқ маданияти тушунчаси, нутқнинг идрок қилиш ва шакллантириш шароити, нутқнинг мазмуни, нутқнинг вазифаси ва тузилиши, нутқнинг тўғрилиги ва нутқнинг таъсирчанлиги билан чамбарчас – алоқадор. Булар мулоқот ўрнатишнинг лингвомотивацион технологиясини ўзлаштиришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, мотивацияни муваффақият формуласи деб аташ мумкин. Мотивация - бу аслида, кейинги ҳаракатлар учун ёқилғи – жамланган захира энергия, тўхтаб қолмаслик учун етарлича заряд, ҳаракат билан мустаҳкамланган интилиш. Мотивация – бу янгича куч тўплаб, исталган натижага эришишга қаратилган уриниш, силжиш. [ЛШ] нинг муваффақият формуласида коммуникатив вазифа, коммуникатив мақсад, коммуникатив муштараклик, коммуникатив интерактивлик, коммуникатив қатъийлик, коммуникатив моҳият, коммуникатив зийраклик, коммуникатив резонанс, ҳатто коммуникатив конфликт мотивация кесимида интеграциялашади.

Мулоқотни тўғри ташкил этиш учун коммуникатив вазифа, коммуникатив микроиклим, коммуникатив *фасилитаторлик* ва *кинетик* алоқа воситаларининг моҳиятига эътибор бериш лозим. Ёшлар сленги, нутқнинг миллийлик тамойили, интерфаол таълим воситалари, коммуникатив қатъийлик: *нимага ўргатиш, кимга ўргатиш ва нима учун ўргатиш, қандай ўргатиш* коммуникатив мотивация шартларини белгилайди. Мотивация ҳар қандай ўқувчининг нутқ ўстиришига, фикрлашига, зийраклигига, ҳозиржавоблигига, дебат уюштиришига, ўзини англаш ва тушунтиришига амалий ёрдам беради. Бирламчи мақсад – мотивация бериш орқали коммуникатив нутқни ўстиришга эришилади. Жумладан, инклюзив таълимнинг коммуникатив компетенция талабларини имконияти чекланган болаларга йўналтириш равожланиб бораётган Янги Ўзбекистон учун инсонпарварликнинг юксак намунаси бўла олади. Дунё тажрибасидан маълумки, инклюзив таълимнинг умумий шакли қанчалик такомиллашмасин, имконияти чекланган болаларнинг ҳаммаси учун ҳам бу тизим фойда бермайди. Францияда имконияти чекланган болаларнинг руҳан нажот топишлари устида олиб борилаётган тадқиқотлар махсус инклюзив мактабларнинг сонини қисқартириш, аҳволи енгил ва ўртача бўлган имконияти чекланган болаларни оила бағрига қайтариш, бошқа болалар қатори уларга тенг муносабатда бўлиш ва таълим-тарбия беришнинг интенсив натижалари асосида юқори натижаларга эришиш мумкинлиги ва афзалликлари ёқланмоқда.

Бешинчи боб «**Коммуникатив нутқнинг тақдимот формуллари**» деб номланган. Мазкур бобда «*Коммуникатив нутқнинг ижтимоий табақалашуви ва дескриптив воситалари*», «*Коммуникатив нутқнинг апелляцион формуллари*», «*Мулоқот одобининг Европа Иттифоқи стандарти*» юзасидан қиёсий-кўрсатмали материаллардан иборат

маълумотлар берилган. Коммуникатив нутқнинг ижтимоий табақалашувива ундан фойдаланиш Шўъро сиёсий мафқурасидаврида таъқиқлаб қўйилди. *Жаноб, хоним, жаноби олийлари, тақсир, хўжайин, мавлоно, хўжам, бегойим, афандим, ҳазрат* каби мурожаат сўзлари синфийлик нуқтаи назаридан қораланди. Фақатгина салбий образ яратишда йўналтирилди. Биргина “ўртоқ (лар)” нейтрал сўзи расмий мурожаат учун хизмат қилди. Франция халқи ижтимоий ҳаётида ҳам “*camarade*” сўзи остида мафқуравий таъсирни Ромен Роллан, Шарл Вилдрак, Генри Барбусс, Андре Шансон, Рол Вайян Кутюриэ каби коммунист ёзувчиларнинг асарларида учрайди. Бироқ Абдулло Қодирийнинг асарларидаги “**Тақсир, қайси куйни чалиб берай?**” (А.Қод.). “**Мавлоно, Ҳиротдан чопар келди.**” (Ойбек) каби коммуникатив ҳосилаларда инсон ҳуқуқини камситишга асло дахл қилинмаган. Аксинча, [ЛШ] нинг муомала маданияти олдидаги одоб мажбуриятлари белгилангани сезилади.

Коммуникатив нутқ экстралингвистик омиллар билан характерланади. Эски шакллар ўрнида янгилари пайдо бўлади. Француз тилида мурожаат сўзлари ўрнида антропонимларнинг қисқартириб ишлатилиши кўп учрайди. Изланишлар натижасида эркак жинсига хос атоқли отларнинг 150 таси, аёл жинсига хос 170 та қисқартмаси борлиги, айрим отлар икки жинсли бўлиши ёки икки хилда бўлиши иловадаги 5.1 ва 5.2-жадвалларда кузатилди. Ўзбек тилида қиз болаларга нисбатан *Назира – Нази, Садоқат – Садош, Нилуфар – Нилуш, Сабоҳат – Саби, Гуландом – Гули, Нозима – Нози* каби, ўғил болаларга нисбатан *Бахтиёр – Бахи, Фахриддин – Фахи, Шаҳриёр – Шахи* каби қисқартмалар коммуникалогик нутқда ёшлар ўртасида кўп ишлатилади.

Ўзбек миллий менталитети руҳиятида эрқалаш сўзлари [қисқ. ЭС] асрлар мобайнида яшаб келмоқда. Чунончи, *Она-бола, Ота-бола, Бобо-невара, Эр-хотин* ва шу сингарийўнлабмуносабатларда [ЭС] учрайди: 1. **Қиз болаларга хослик** (аёл жинсига хослик) [ЭС]; 2. **Ўғил болаларга хослик** (эркак жинсига хослик) [ЭС]. Биринчи турга мансуб [ЭС]:

А. Она-қиз градацион муносабатларида: *асалим, асалгинам, асалгинам мани(м); шириним, ширингинам, ширингинам мани(м); шакарим, шакаргинам, шакаргинам мани(м)* каби ўнлаб ҳосилалар учрайди. Бундай [ЭС] лингвопоэтик хусусиятларга эга бўлиб, биринчи ўринда фамиляр услубга хос ва халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари: кўшиқлар, лапарлар, эртақларда, шунингдек, лирик асарларда жуда кўп учрайди;

Б. Ота-қиз градацион муносабатида: *қизим, қизалогим, онақизим, она қизим мани; асал қиз, асал қизим, асал қизим мани* ва ҳ-золар ...

В. Бобо-невара муносабатида даражаланиш сустроқ: *асалқизим, асалпари; райҳон қиз, нозикрайҳон; ширинпари; шакарпари; пучуқ қиз, попуққизим* ва ҳ-золар.

Г. Эркак-аёл муносабатида градация фақат *онаси, онажонисид*а учрайди; қолган ҳолатларда *гулим, маликам, фариштам, жоним, жонгинам, асалим, шириним, шакарим, маликабону, дилбарим, гулбегим* каби [ЭС] ишлатилади.

Француз тилида коммуникатив нутқнинг ижтимоий табақалашувида эрқалаш сўзларининг ўрни:

Familles aristocrates	Familles ouvrières
<i>Du père vers sa femme</i>	<i>Du père vers la mère</i>
Ma chère Ma très chère Mon amie Ma bienaimée Ma douce Ma tendre épouse Ma dulcinée	Ma poulette ma biche ma biquette Mon agnelle Ma tourterelle Ma colombe
<i>De la mère vers son mari</i>	<i>De la mère vers le père</i>
Mon cher Mon bienaimé Mon tendre Seigneur Fils Mon prince	Mon taureau Mon aigle Mon ours Mon lion Mon lionceau Mon trésor
<i>Du père ou mère vers la fille</i>	<i>Du père ou mère vers la fille</i>
Mon soleil Fille Ma princesse	Ma puce Ma souris Mon moineau
Du fils vers son père	Du père ou fils vers son père
Père Seigneur	Papa Papi - grand-pa
Du père ou fils vers sa mère	Du père ou fils vers sa mère
Mère Sa seigneurie Ma dame	Maman Mami – grand-ma
<i>De la mère ou fille vers son père</i>	<i>De la mère ou fille vers son père</i>
Père Sa seigneurie Monsieur	Papa Papi - grand-pa
De la mère ou fille vers sa mère	De la mère ou fille vers sa mère
Mère Sa seigneurie Ma dame	Maman Mami - grand-ma
Du père ou mère vers le fils Mon poussin	

Француз тилида [ЭС] ўзбек тилидагига нисбатан жуда кам.

Familles aristocrates (амалдорлар оиласида): *Ma chère, Ma très chère, Mon amie, Ma bienaimée, Ma douce, Ma tendre épouse, Ma dulcinée, Ma poulette, Ma biche, ma biquette* .

Familles ouvrières (ишчи-ходимлар оиласида): Қиз болага нисбатан *Mon agnelle, Ma tourterelle, Ma colombe*; Аёл эрига: *Mon cher, Mon bienaimé, Mon tendre, Seigneur, Mon prince, Mon taureau, Mon aigle, Mon ours, Mon lion, Mon lionceau, Mon trésor*; Ота қизига нисбатан *Mon soleil, Ma princesse, Ma puce, Ma souris*; Ота ўғлига нисбатан *Mon moineau, Seigneur*.

Коммуникатив нутқ учун характерли бўлган толерант сўзлар, дуо сўз ва конструктив ҳосилалар, жумладан: 1. Тотемик-диний дуолар: *Аллоҳу акбар. Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳга муборак бўлсин.* 2. Миллий характедраги дуолар: *Ой бориб, омон қайтинг. Толеингиз баланд бўлсин. Рисқингиз улуғ бўлсин.* 3. Мифологик дуолар: *Ҳазрати Довуд қўлласин.* 4. Байналминал чақирик-дуолар: *Дунёда тинчлик бўлсин. Бутун дунё халқлари бирлашсин!*, концеляр сўзлар (*қарор қилинди, фармон берилди. баёнот берди*), эмоционал ундов-сўзлар (*Вой, келдингми-ей, болам!* Т.Малик. “Талваса”), паразит сўзлар (*демак, хўш, ҳам, так, конешна*), вульгар сўзлар (“Қарғаш учун сўз тополмади, / Ғазабини ҳеч босолмади. / «Ўйнаш» сўзин ҳадеб ҳижжалаб, / Охир деди «*Ғоҳиша, жалаб...*» Ҳ.Олимжон); варвар сўзлар (*ну, так, вот, совсем*), ҳақорат сўзлар (*Ҳай, единг-ку, аблаҳ!*” (А.Қодирий), қарғиш сўзлар: 1. Соф қарғишлар: *Ҳа бўйингинанг узилсин.* 2. Қарғишсимонлар: *ҳаҳ, ордона қолсин; вой, ўлсин; адо бўлгур, ҳа ер юткур* кабиларнинг [ЛШ] руҳияти билан боғлиқлиги аниқлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, француз тилида ҳам санаб ўтилган коммуникатив бирликлар етарлича – мавжуд. Француз қарғишлари таркибида *"Oh, bon sang! Putain! Va en enfer! Tu es maudit! Puissiez-vous pourrir en enfer! Allez en enfer, vous êtes maudits! Cher Monsieur M.* каби ҳақорат сўзлар ишлатилади. Шунингдек, уларнинг нутқида қарғишлар билан бир қаторда инглиз тилидан ўзлашган *Shit! Piece of shit! Son of a bitch! I never seen nothing like that. Never*” каби вульгар сўзлар ҳам оммалашмоқда.

Коммуникатив нутқнинг апелляциян формулалари ҳақида сўз борганда, одатда, *мурожаат, илтимос, буйруқ, миннатдорлик, қарор чиқариш, тинчлантириш, кўнгил сўраш, ҳамдардлик* каби нутқий ҳосилаларни алоҳида формула сифатида қабул қилиш мумкин. Коммуникатив мактуб жанрида ҳар икки тилда “Салом”дан кейин мурожаат қилиш формуласи ўрин оладива *азиз (лар), ҳурматли, азизи(лари)м, муҳтарам, жаноб (лар), хоним (лар), ўртоқ (лар)* каби мурожаат сўзлари ифодаланади. Француз тилида мурожаат циркульясига кўра, ҳозирги кунда «*Madmoiselle*» ишлатилмайди. Мурожаат формуласи нафақат мактуб, хат, электрон мессаж бошида ва нафақат бир сўз доирасида, балки содда, мураккаблашган, кўшма эргаш гаплар синтактик тузилишида, матн ичида, циркуляр эслатма, рекламаларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, миннатдорлик формуласининг лексик ядродан куршов томон силжийдиган ўзаро синоном, паралел ва градационик иерархияни кузатамиз: *Раҳмат // Шукур / Катта раҳмат // Ташаккур / Эътиборингиз учун раҳмат// Минг раҳмат / Минг ташаккур // Борингизга шукур!*

Француз тилида: *Merci, Merci beaucoup, Grand merci, Mille fois merci.*

Ишда алоҳида *илтимос формуласи, буйруқни юмиштириш формуласи, миннатдорлик формуласи, юмишилган қарор формуласи, тинчлантириш формуласи, ҳамдардлик формуласи, ташаккур формуласи, табрик формуласи, мулоқот одоби формуласи, расмий мурожаатлар формуласи, расмий ариза формуласи, хушмуомалаликнинг алоҳида формуласи, дўстона мактуб формуласи, мотивация бериш формуласи* остида икки тилдаги коммуникатив нутқий ҳосилалар тизимга солиниб жадвалларда умумлаштирилди.

Мулоқот одобининг Европа Иттифоқи стандарти масаласи ҳам француз тилини ўрганиш учун жуда долзарб ҳисобланади. Иш юритиш тартиб-қоидалари, ҳамкорлик шартномасида мулоқот одобининг формуласининг (*Normes mondiales d'étiquette de communication*) Европа Иттифоқи GS1 стандарти, хушмуомалаликнинг энг юқори DELF/DALF C2 даражадаги мулоқот одобининг формуласига мурожаат қилинди. Иттифоққа аъзо мамлакатларда бу стандарт доирасида электрон почтага, шаҳар ҳокими (турли лавозимдаги шахс)га, компаниялар директорларига, ишга жойлашиш ёки шикоят қилиш, форумга хабар ва ҳисобот ёзиш, дўстона расмий учрашувларни шаҳодатлаш, профессионал мулоқот ўрнатиш ва бошқалар учун *мактуб, хабар, билдирги, эълон ва реклама* материалларини тайёрлаш бўйича амалий тавсиялар, **Одобини маъмурият** формуласи ва **Ҳамдардлик** формуласини ўргатиш бўйича муҳим маълумотлар жамланди.

ХУЛОСА

1. Тадқиқотда мулоқот маданияти шароитида энг фаол, қулай, мулоқот одобига услубий хослашган коммуникатив нутқий конструкциялар, яъни [СФШСГ] ларнинг дифференциал ва нейропсихоллингвистик қиёсий-чоғиштирма тадқиқи ўзбек ва француз тилларида умумий ҳамда хусусий жиҳатлари, ўхшаш ва фарқли белгилари борлигини ёрқин намойиш этди.

2. Дунё тилшунослигидан фарқли ўлароқ ўзбек тилшунослигида [СФШСГ] ларнинг морфологик, лексик-семантик ва функционал хусусиятлари алоҳида сўз-туркуми сифатида ажратилган ҳамда маъновий тур ва гуруҳларга бўлинган. Бироқ француз, инглиз ва рус тилшунослигида сўз-гаплар формал грамматика нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилинган бўлса-да, аммо тизимлаштирилмаган ва алоҳида индивидуал тадқиққа тортилмаган.

3. Ўзбек ва француз тилларида сўз-гап бўлиш имкониятига эга бўлган лексик birlikлар ўзига хос дифференциал тизимни ташкил қилади. Бу тизимдан жой олган лексик birlikлар ҳар икки тилда кўп учрайди; [СФШСГ]лар нутқ жозибдорлигини оширишга, мулоқот қилиш ва ҳозиржавоблик кўрсатишга жуда қулай ҳамда фаол нутқий хосилалар ҳисобланганлиги учун когнитив, лингвопрагматик, лингвомаданий, нейропсихологик масалаларни ойдинлаштиришга аниқ ва муҳим тасаввурлар уйғотади.

4. [СФШСГ] ларнинг лексик-семантик жиҳатдан шаклланиши барча тилда турлича – ўзбек тилидаги тотемик, қарғаш, вульгар, паразит, эркалаш сўзлари билан француз тилидаги атоқли отларнинг қисқартма шакллари миқдор жиҳатидан жуда – фарқли. Уларнинг ҳар бири структур-семантик тузилишга, стилистик-функционал вазифа бажаришга, дискурс ва коммуникатив мулоқот шароитида денотатив ёки коннотатив маънога эга бўлиб, кўпинча диологик ва монологик нутқда, наср ва поэтикада, расмий ва норасмий учрашувларда, милий урф-одатлар, гендер ва дипломатик муносабатларда намойиш бўлади.

5. Қиёсланаётган тилларда мурожаат ва дўстона муносабат формуласи таркибидаги сўзларда дискурсив ва конструктив ўхшашлик кўп учрайди.

Бундай лексик бирликлар нутқ шароитида ҳар бир халқнинг маданий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун улар ноқардош халқларнинг тили, маданияти, турмуш тарзи, миллий дунёқараши, [ЛШ] руҳияти ва менталитети билан боғлиқликда ўрганилди.

6. Ўзбек тилшунослигида [СФШСГ] ларнинг таркибий бўлиниши, градиономик қаторлари, тур-жинс муносабати, дифференциацияланиши, семантик-функционал жиҳатдан чегараланиши, лексик ва семантик майдонларда иерархик моҳият касб этиши француз тили билан муқобил равишда таҳлилга тортилди. Француз ва ўзбек тиллари қиёсида [ЛШ] нинг лингводидактик, лингвомаданий, лингвопоэтик, нейролингвопсихологик хусусиятлари хорижий тилларни ўрганишнинг коммуникатив нутқ асосида тизимли ўрганилди.

7. Тил ўрганишнинг ҳозирги эволюцион ўзгаришлар диапозонида ижтимоий-гуманитар билимларга хослашган, жамиятнинг моддий ва маънавий муаммоларини ечишга қодир харизмалли [ЛШ] га қаратилган коммуникатив нутқнинг апелляциян формулалари тавсия этилди. Соссюрнинг таълимоти марказида турган [ЛШ] муаммоси когнолингвистик ва антропоцентрик объектда қайта синтез қилинди. Унинг герман афсоналари ҳақидаги дастхатлари мисолида лингвистик ҳодисаларни тизимлаштириб ўрганишда кескин чегара қўйиш шарт эмаслиги аниқланди.

8. [ЛШ] қобилиятини харизма даражасига кўтаришда нутқ маданияти, руҳий ҳолат ва нейропсихологик муҳит муаммоларини З. Фрейд психоанализ таълимоти, Фестингернинг когнитив дисонанс назарияси, Крис Восснинг кузатув стратегик назарияси билан асослаб кўрсатилди. Миллий ғоя ўзанидаги “Баркамол етук шахс”, ирфоний-тасаввуфий таълимот кесимидаги “Комил инсон” тушунчаларидан фарқли равишда [ЛШ] нинг халқаро талабларга жавоб берадиган янги штампи сифатида нутқ кўркемлиги, дипломатик етуклик, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий билимга эга соғлом ва баркамол “Харизмалли инсон” қиёфаси лингвистик дистрибутив жиҳатдан таҳлил қилинди.

9. [ЛШ] муаммоларидан батамом холи бўлган болаларга полиглотлик қобилиятни шакллантиришга йўл очиш, имконияти чекланган болаларга эса қулай ўқув базаси яратиш учун жаҳон тажрибаси кўрсатмаларидан фойдаланиш мумкинлиги асосланди.

10. Лингвомаданий, лингводидактик, нутқ маданияти, дискурсология, герменевтика, хатоба санъати сингари фанлар кесимида миллий ўзига хосликни ифодаладиган [СФШСГ] лар психологик жиҳатдан [ЛШ] га, нейролингвистик нуқтаи назардан БЕМОРга, лингвомаданий нуқтаи назардан КОМИЛ ИНСОНга, коммуникология ўзанида ХАРИЗМАЛИ ИНСОНга, сиёсатшунослик кесимида ДИПЛОМАТга, тил ўрганиш жиҳатидан ПОЛИГЛОТга мотивация бериш имкониятини яратишдан шаҳодат беради.

11. Тадқиқотда коммуникатив нутқнинг ижтимоий табақалашуви мисолида инсон ҳуқуқларини камситишга алоқадор эмаслиги исботланди: [СФШСГ] лар орқали хушмуомали ва мулозаматли бўлиш, халқаро дипломатик майдонда менталитет ва инсоний фазилатларни намоён қилиш,

турли даражада сервис хизмат кўрсатиш, манфаатли муносабат ўрнатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий қадриятларни улуғлашга алоҳида урғу берилди.

12. Мотивация ҳар қандай инсоннинг нутқ ўстиришига, фикрлашига, зийраклигига, ҳозиржавоблигига, дебат уюштиришига, ўзини англаш ва тушунтиришига амалий ёрдам беради: мотивация бериш орқали коммуникатив нутқни ўстиришга эришилади: мотивация кесимида [ЛШ] нинг мувоффақият формуласида коммуникатив вазифа, коммуникатив мақсад, коммуникатив муштараклик, коммуникатив интерактивлик, коммуникатив қатъийлик, коммуникатив моҳият, коммуникатив зийраклик, коммуникатив резонанс, ҳатто коммуникатив конфликт пайдо бўлиши исботланди.

13. Француз ва ўзбек тилларида тизим ва тизимчаларга шартли равишда ажратилган коммуникатив мулоқот формулаларида ҳар бир миллатнинг ўзига хос мулоқот ўрнатиш шартлари аниқлаштирилди.

14. [СФШСГ] лар заминида мулоқот одобининг миллий сиёсат билан алоқадорлиги аниқланди. Тадқиқот натижаларидан коммуникатив нутқни ўстиришда лингвистик корпусни такомиллаштиришда, дискурсив масалаларни ечишда, нейропсихолингвистик муаммоларни бартараф қилишда фойдаланиш зарурияти асосланди.

15. Хорижий тилларни ўрганишнинг Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамкорлик шартномасида маъқулланган стандартлар талабидан келиб чиқиб, француз DELF/DALF стандарти мулоқот одоби ва одобли маъмурият ҳамда ҳамдардлик формулаларининг расмий ва норасмий мулоқот шакллари дифференциация қилинди. Франция мулоқот одобининг миллий сиёсатида муҳим аҳамият касб этган формулалар заминида коммуникатив нутқ маданиятини янада бойитиш мақсадида қуйидагилар тавсия этилди: мурожаат формуласи, илтимос формуласи, миннатдорлик формуласи, қарорни юмшатиш формуласи, буйруқни юмшатиш формуласи, тингчлантириш формуласи, ҳамдардлик формуласи, такдимот формуласи, ҳурмат формуласи, табрик формуласи, ариза формуласи, дўстона мактуб формуласи, мотивация формуласи, мулоқот одоби формуласи, инклюзив одоб формуласи.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ
СТЕПЕНЕЙ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БОБОКАЛОНОВ РАМАЗОН РАЖАБОВИЧ

**ДИФФЕРЕНЦИЯ И КОММУНИКАТИВНО-
НЕЙРОПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ УЗБЕКСКО-
ФРАНЦУЗСКИХ СЕМАНТИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНО
ОФОРМЛЕННЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание учёной степени доктора наук (DSc) по
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2022.DSc/FIL394.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Сайфуллаева Раъно Рауфовна
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ширинова Раима Хакимовна
доктор филологических наук, профессор

Каршибаева Улжан Давировна
доктор филологических наук, профессор

Жураева Бибиш Мухсиновна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Узбекский государственный университет мировых языков

Защита диссертации состоится "04" июля 2022 года в "09⁰⁰" часов на заседании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 по присуждению учёных степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, город Бухара, улица Мухаммад Икбол, дом 11. Тел: (0365) 221-29-14, факс: (0365) 221-27-57; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована за № 188). (Адрес: 200118, город Бухара, улица Мухаммад Икбол, дом 11. Тел: (0365) 221-29-14.)

Автореферат диссертации разослан "19" октября 2022 года
(Протокол рассылки за № 19 от "19" октября 2022 года).



Д.С.Ураева
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

З.И.Расулов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней кандидат филологических наук, доцент

М.М.Жураева
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В новейшем развитии мирового языкознания все более актуальным становится изучение сравнительно-типологических, лингвокогнитивных, лингвопрагматических, лингвокультурологических и лингвопсихологических особенностей, проблем, связанных с коммуникологией, дискурсологией, структуроведением и нейропсихолингвистикой. Проблемы личности и культуры речи интересовали с древних времен философов, лингвистов, социологов, психологов и даже медиков.

В мировой лингвистике выявление факторов, формирующих коммуникативное общение, определение принципов коммуникативного общения, создание удобной системы изучения языка, а также моделей межличностных отношений, выявление комплекса языковых механизмов, формирующих языковую личность [сокр. ЯЛ], не утратили своего значения и актуальности за долгие годы. В частности, дифференциация семантико-функциональных оформленных слов-предложений [сокр.СФОСП] и коммуникативных нейропсихолингвистических признаков не подвергалась отдельному изучению по подчеркнутым параметрам.

Повышение уровня харизматичных людей, как объекта исследования темы, является выполнением целей, поставленных в новом указе Президента Республики Узбекистан о “Стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы”, гдеотмечается, что«Первое направление - создание гуманного государства путем уважения чести и достоинства человека и дальнейшего развития свободного гражданского общества” и «Человеческое достоинство, стандарты честности, прагматичная внешняя политика. 100 целей Новой стратегии развития Узбекистана»¹.

Актуальность и необходимость работы состоит в том, чтобы интегрировать изучение языка в харизматичную личность, внося научную ясность в [СФОСП] и окружающие их вопросы, что всегда способствует налаживанию коммуникативного общения при изучении проблемы [ЯЛ] на базе психологии, неврологии и общения.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация осуществлялась в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники Республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства, а также пути их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Исследование дифференциации [СФОСП] и коммуникативных

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 20.01.2022 г. № ПФ-60.

² <https://inpl.univ-tlse2.fr/UT2J-LaboratoiredeNeuroPsychoLinguistique,UR41564>; https://recherche.umontreal.ca/Centre_de_recherche_en_neuropsychologie_et_cognition; <https://linguistlist.org/issues/13/13-1520/laboratoireDynamiqueDuLangage>; <https://www.unige.ch/fapse/psycholinguistique/equipes/NeuroPsychoLinguistique>; <https://www.cnrs.fr/fr/creation-tokyo-dun-laboratoire-francojaponaisurlaphysiquedesdeuxinfinis>;

нейропсихолингвистических признаков проводятся ведущими мировыми исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями, в том числе Université Toulouse de Jean Jaurès (Франция); Лаборатория нейропсихолингвистики (EA4156) - Maison de la Recherche (Франция); Университет Монреаля (Канада); Университет Монаша, Мельбурн (Германия); Женевский университет (Швейцария); Токийский университет (Япония), Московский государственный лингвистический университет, Московский государственный университет, Московский государственный педагогический университет, Институт языкознания РФА, СПбГУ, Воронежский государственный университет, Казанский государственный университет (РФ), а также Узбекский государственный университет мировых языков, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Андижанский государственный университет, Самаркандский государственный институт иностранных языков (Узбекистан), а также там, где проводятся исследования взаимодействия дискурса и [ЯЛ]и, прагматическая структура текста, проблемы языкового корпуса, когнитивная стилистика.

Степень изученности проблемы. В современном языкознании³ первостепенное значение имеют исследования дифференциации коммуникативных речевых единиц, открытие нейропсихолингвистической природы и сущности. В частности, хотя знаки речи, как отдельное языковое явление не изучались, к моменту появления современной лингвистики [СФОСП] и явления вокруг них изучаются как важные объекты системно-структурной лингвистики.

Хотя семантико-функционально оформленная особенность речи широко изучена, до сих пор не достигнуто единого мнения о ее системно-структурном, коммуникативном и нейропсихолингвистическом содержании

<https://www.UniversitattdeMoscou;> <http://mpgu.su/universite-pedagogique-d-etat-de-moscou/PedagogieetdePsychologiedelapetiteenfance;> <https://fr.wikipedia.org/wiki/InstitutdelinguistiqueMoscou;> <https://fr.wikipedia.org/wiki/AcademiedessciencesdeSaint-Petersbourg;> <https://www.vsu.ru/ru/university/structure/communicate/> Центр коммуникативных исследований ВГУ; <http://www.kazanhighschools.ru/hs/kgu/5-nauka.html/linguistiqueVoduendeCurtenay>

³ Караулов, Ю. Н. Русский язык и языковая личность. -М.: Наука, 1987.-261 с.; Попова, З. Д., Стернин, И. А. Семантико-когнитивный анализ языка: монография. Воронеж: изд-во «Истоки», 2007.-256 с.; Зорина С. С. Формирование коммуникативных умений у детей с нарушениями зрения. / Специальное образование, 2010. № 4, с.20-26; Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М.: "Наука", 1982; Изд. 2-е, М.: Эдиториал УРСС, 2006; 5-е, 2007; 6-е, 2010; Кнапп М.Л. Невербальные коммуникации. – М.: Наука, 1978. -308 с.; Красных В. В. Основы психолингвистики и теории коммуникации: Курс лекций. – М.: Гнозис, 2001. - 176 с.; Auriac E. (1990). Etude psycholinguistique de marqueurs conversationnels chez des enfants à l'occasion d'une tâche cognitive. Laboratoire de Psychologie, Poitiers.; Ubaidullah Khan. Interdisciplinary Nature of Neurolinguistics and Prospects of Research// International Journal of Business and Social Science Vol. 2 No. 24 [Special Issue – December 2011]; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. -Ташкент: "Национальная энциклопедия Узбекистана" ГНИЗ, 2008. - 285 с.; Вархогов Т. А. Методологические проблемы исследования невербального аспекта коммуникативного взаимодействия. Автор. диссер. на соискание ученой степени канд. филос. наук. МГУ, Москва —2003.; Фэй Жэнь. Невербальная коммуникация и её отражение в художественном тексте. Специальность 10.02.01 – русский язык. Диссер. на соискание ученой степени канд. филол. наук. Киров – 2016.

